

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2019-yil 14-noyabr, payshanba 64 (9031)-son

web sayt: www.qishloqhayoti.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 ноябрь куни Марказий Осий минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастурининг вазирлар даражасидаги конференцияси тадбирларида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Осий тараққиёт банки президенти Такехико Накао бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ислохотларни илгари суришда Ўзбекистоннинг етакчи ва ишончли шериги бўлмиш ушбу нуфузли халқаро молиявий институт билан ўзаро манфаатли муносабатлар ривожланиш динамикасини катта мамнуният билан қайд этди.

Мамлакатимизда Осий тараққиёт банки иштирокидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш сифати ва амалга ошириш суръати сезиларли даражада ортгани алоҳида таъкидланди.

Бугунги кунда икки томонлама ҳамкорлик юртимиз иқтисодиётининг барча устувор тармоқларини қамраб олган ҳолда амалга оширилган ва давом этаётган, умумий қиймати қарийб 8 миллиард долларлик 60 дан зиёд лойиҳани ўз ичига олади. Банкнинг 2019-2023 йилларда Ўзбекистон билан шерикликни кенгайтириш бўйича молиялаштириш ҳажми 5 миллиард доллардан ошадиган янги стратегияси қабул қилинди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорлик истиқболлари ҳар томонлама кўриб чиқилди. Мамлакатимизда ирригация-дренаж ва авто-

мобиль йўллари инфратузилмасини модернизация қилиш, жумладан, бошқарув тизимини такомиллаштириш, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш, кадрлар тайёрлаш ва бошқа масалаларга доир узоқ муддатли стратегик ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга эътибор қаратилди.

Минтақавий миқёсдаги, аввало, транспорт йўлакларини ривожлантириш, энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш, экологик муаммоларни ҳал этиш бўйича лойиҳаларни илгари суриш устувор аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Осий тараққиёт банки раҳбари Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг бугунги даражаси ва самарадорлигини юксак баҳолади, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлашни қайд этди.

Такехико Накао банк бундан буюн ҳам юртимизнинг барқарор тараққиёти ва раванқи йўлидаги мақсад ва вазифаларга эришишда асосий шерик бўлиб қолиш истагида эканини билдирди. **ЎЗА**

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 ноябрь куни чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва ипакчилик тармоқларини янада ривожлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 23 октябрдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжат доирасида замонавий ёндашув асосида соҳани модернизация қилиш бошланди. Шунингдек, 7 ноябрь куни Президентимизнинг "Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

– Худудларимиз салоҳиятидан тўғри фойдаланиб, қарерга нима экиш, қайси чорва турини етиштириш, қўшимча қиймат занжирини яратиш орқали бозорларимизда гўшт, сут ва туҳум маҳсулотларини кўпайтириш, нархлар барқарорлигини таъминлаш ва даромадини ошириш бўйича, афсуски, самарали тизим мавжуд, деб айта олмаيمиз, – деди йиғилиш аввалида Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатимизда чорва озуқасига бўлган талаб 120 миллион тонна ташкил этади, аммо ўтган йили атиги 47 миллион тонна озуқа жамғарилиб, эҳтиёж 40 фоизга қондирилган.

Бутун дунёда чорвани озиклантиришда асосан силос ва омикта ем ишлатилади. Янгийул туманида тақрорий экин сифатида маккажўхорининг интенсив навидан гектарига 50-60 тонна силос олинган ва унинг 1 килограммининг таннархи бор-йўғи 150 сўмни ташкил этган. Ваҳоланки, 1 килограмм шелуханинг бозордаги нархи 2 минг сўмдан ошади. Яъни шрот-шелухага нисбатан 10 баробар арзон озуқани бемалол чорвадорларнинг ўзи етиштириша бўлади.

Чорва учун озуқа навли бугўйдан гектарига 100 центнергача ҳосил олиш мумкин. Бироқ жойларда озуқа-ем танқислигини ҳаллаш чораларини кўриш ўрнига озуқабоп экин ерларидан самарасиз ва мақсадсиз фойдаланиш ҳоллари танқид қилинди.

– Сирдарё вилоятида 16 минг гектар, Тошкент вилоятида 8,5 минг гектар экин майдони галладан кейин бўш турганини қандай изоҳлаш мумкин? – дея савол билан мурожаат қилди Президент.

Шу йилнинг ўтган 10 ойида хориждан қарийб 100 миллион долларлик зотли ва гўшт учун қорамол импорт қилинди. Шунинг учун, қўшимча озуқа базасини яратиш мақсадида чорвадорларга ер бериш, тўғри экин турларини экин борасида топириқлар берилиди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, паррандачиликда ҳам шунга ўхшаш муаммолар мавжуд. Мисол учун, озуқанинг 70-75 фоизи импорт ҳисобига таъминланиб, жорий йилнинг 10 ойида 80 миллион долларга 160 минг тонна соя ва кунгабоқар шроти, 14 миллион долларга 80 минг тонна маккажўхори импорт қилинган. Тармоқ корхоналарига бу йил озуқа учун 137 минг гектар ўрнига амалда 5 минг гектар ер берилган, холос. **(Давоми 2-саҳифада)**

Навоий вилояти

Мегакўприкка металлконструкция

Навоий шаҳридаги Марказий деҳқон бозори чорраҳасида бунёд этилаётган мегакўприк шаҳарнинг кўрकिга-кўрк қўшиши баробарида, аҳолига қулайлик яратмоқда.



ди яна шу ҳажмдаги 3 та металлконструкция қўйилади.

Жорий йилнинг якунига қадар фойдаланишга топширилиши режалаштирилаётган мегакўприкнинг қурилиш ва монтаж ишлари учун қарийб 250 тонна металлконструкция ишлари бажарилиши кўзда тутилган.

Отабек АСЛОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Наманган вилояти

Абдуғаффор отанинг "яшил хазина" си

Жийдакапа вилоят марказига яқин, Норин дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган аҳолиси гавжум қадимги қишлоқ. Одамлари азалдан тадбиркор, хунармандчиликда тенгсиздир. Шу боис, Уйчи туманида нимадир кашф этилса, унинг тамал тоши Жийдакапада қўйилган бўлади.

Президентимиз яқинда мева-сабзавотчилик тармоғини янада ривожлантириш ва экспортини ошириш, аҳоли томорқасидан самарали фойдаланишни таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида мавжуд боғлар ва аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланиш борасида муҳим вазифаларни белгилаб берди.

8 ноябрь куни пешин маҳали телефоним жиринглади. Қўнғироқ эгасини овозиданоқ танидим. Жийдакапа қишлоғининг Ёшлик маҳалласида иссиқхона ташкил этиш ташаббуси билан чиқиб, кўпчиликнинг назарига тушган меҳнат фахрийси Абдуғаффор ота Қосимов. У лимонхонасида яратилган яна бир мўъжиза ҳақида тўлқинланиб

гапириб, хонадонига таклиф қилди.

Шу ўринда энг аввало, бу оиладаги барчага ўрнатилган тугум, жиҳатлар ҳақида айтмоқчимиз. Ҳовли серхашам даражада бўлмаса ҳам сарамжом-саришталиги, покизалиги ҳамда гулзорга бурканганлиги билан ажралиб туради. **(Давоми 2-саҳифада)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАР КЕНГАШИНИ ТУЗИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиздаги инвестиция муҳитини янада яхшилаш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига ва бошқа муҳим соҳаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш, илғор халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда сифатли инвестиция жараёнларини ташкил этиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 августдаги "Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан шерикликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3900-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш) тузилсин.

2. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

илғор жаҳон тажрибаси ва амалиётларига таянган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматида мамлакатни инвестициявий, саноат-технологик ва инновацион ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари бўйича маслаҳатлар бериш;

қулай инвестиция муҳитини шакллантиришда, маҳаллий ҳамда хорижий тадбиркорларни иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ва ҳудудларга рақобатбардош экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи замонавий корхоналарни ташкил этиш мақсадида сармоя киритишларини рағбатлантиришнинг самарали механизмларини шакллантиришда бевосита иштирок этиш, шунингдек, инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишга ва ўзаро манфаатли савдони ривожлантиришга кўмаклашиш;

давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг хорижий компаниялар, банклар, инвестиция ва бошқа тузилмалар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини таъминлаш;

инвестицияларни жалб қилиш ва инвесторларнинг, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг фаоллигига тўсқинлик қилувчи асосий омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, республикада қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини сақлаб туришни таъминлаш; **(Давоми 2-саҳифада)**

Такехико НАКАО:

ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ДАВОМ ЭТАМИЗ

Осий тараққиёт банки президенти Такехико Накао давлатимиз раҳбари билан учрашувдан сўнг амалга оширилаётган лойиҳалар ва ҳамкорлик истиқболлари ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувда Осий тараққиёт банкининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашда давом эттиришига оид масалаларни муҳокама қилдик.

Давлатингиз раҳбарининг мамлакатни ислоҳ этиш йўлида қатъий ва астойдил олиб бораётган сиёсатини юқори баҳолаймиз. Мамлакатингизда қўшни давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги саяёҳаракатлар, макроиктисодий тизимни ислоҳ этишдаги ташаббус эътиборга молик. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда иқтисодий муҳит тобора яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Осий тараққиёт банки Ўзбекистон билан транспорт инфратузилмаси, энергетика, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларидаги ислохотларни амалга оширишда техникавий ва молиявий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон табиий ресурсларга бой мамлакат. Бу саноатни ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшмоқда. Мамлакатингиз туризм соҳасида ҳам улкан салоҳиятга эга.

Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорлик истиқболлари жуда кенг. Биз юртингизда амалга оширилаётган муҳим иқтисодий-ижтимоий ислохотларни бундан буюн ҳам қўллаб-қувватлашда давом этамиз.

ЎЗА мухбири М.ЭЛМУРОДОВ ёзиб олди.



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА
ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАР
КЕНГАШИНИ ТУЗИШ ВА УНИНГ
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

давлат органлари, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, хорижий компаниялар, банклар, инвестициявий ва бошқа тузилмаларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари билан инвестиция жараёнларига тўқинлик қилувчи омилларни бартараф этишга қаратилган самарали таклифларни ишлаб чиқиш;

экспортни қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштиришга, савдо инфратузилмасини, электрон тижорат тизимини изчил ривожлантиришга, маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорларга олиб чиқиш учун қулай шaroитлар яратишга, самарали транспорт йўлақлари, замонавий логистика занжирини шакллантиришга қўллаш;

маҳсулот сифатини бошқаришнинг замонавий тизимларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш, маҳаллий маҳсулотларнинг халқаро стандартлар ва техник регламентларга мувофиқлигини таъминлашнинг бошқарма-бошқич чораларини кўриш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, илғор ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш жараёнларига ижобий хорижий тажрибани жорий этиш;

Ўзбекистон Республикасида инвестициявий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар тайёрлаш; Ўзбекистон Республикасининг халқаро имижини, халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш бўйича устувор йўналишларни аниқлаш ва самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги **маслаҳат органи** ҳисобланади;

Кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикасида инвестиция ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган **хорижий компаниялар, банклар, инвестициявий ва бошқа тузилмалар, халқаро молия институтлари ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотлари**, шу жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банкларининг **раҳбарлари ва вакиллари**, шунингдек, бошқа иштирокчилар орасидан белгиланган тартибда шакллантирилади;

Кенгаш ўз фаолиятини оралик ва ялпи мажлислар шаклида юритади. Кенгаш **ялпи мажлислари йилда бир марта, оралик мажлислари – йилда камида икки марта ўтказилади**;

Кенгашнинг ялпи мажлисларини ўтказиш билан боғлиқ масалалар **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси** томонидан, оралик мажлисларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар эса **Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги** томонидан мувофиқлаштирилади;

Кенгаш аъзоларининг мажлисларга келиш ва уларда иштирок этиш билан боғлиқ харажатлари **Кенгаш аъзоларининг ўз маблағлари ҳисобидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик ҳайриялари, халқаро молия институтлари ва ташкилотларнинг грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади**.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгаши тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг Ўзбекистон томони таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг бююрт-маномаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб этиладиган Кенгаш аъзолари, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик ва бошқа йўғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 13 ноябр

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИНИ
ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Чорвачилик соҳасида ечимини топмай келаётган долзарб муаммолардан бири наслчиликдир. Қайд этиш жоизки, маҳаллий чорва моллари 20 минг сўмлик озуқа-ем билан кунига 900 грамм тирик вазн олса (500 грамм гўшт), зотли моллар 1 килограмм 600 грамм (900 грамм гўшт) вазн олади.

Қорамолнинг 94 фоизи, қўй ва эчкининг 84 фоизи, парранданинг 58 фоизи аҳоли хонадонларида боқилади. Айни пайтда мавжуд қорамолларнинг бор-йўғи 34 фоизи зотлидир. Айниқса, бу кўрсаткич Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларида 26 фоиз, Хоразмда 28 фоиз, Қашқадарёда 31, Самарқанд вилоятида 33 фоизни ташкил этади. Қўйчиликда эса фақат қорақўл қўйларининг насли 30 фоизга яхшиланшига эришилди, холос.

Бундан ташқари, маҳаллий бир бош сизирдан соғиб олинмаган сут йилга 2,5 тоннадан ошмапти. Ҳар бири 2-3 минг доллардан импорт қилинган насли сизирлар 35-40 литр сут бериши лозим бўлса-да, чорвадорлар бундай молни парвариш қилиш сирлари ўргатилмагани боис маҳсулдорлик ўртача 25 литрдан ошмапти.

Чорванинг тўғри рационини ишлаб чиқиш, замонавий ветеринария хизмати кўрсатиш бўйича мутахассислар етарли эмас. Оқибатда фермерларимиз чет элдан ветеринар ва зооинженерлар жалб қилиб, уларга 3-4 минг доллардан ойлик тўлашга мажбур бўлмоқда.

Йиғилишда қайд этилгандек, технология асосида чорвани сўйиш тизимли йўлга қўйилмагани терининг сифати бузилишига олиб келяпти, бундан эса чарм-пойабзал саноати ҳам зарар кўрмоқда. Мисол учун, Ўзбекистон бўйича замонавий қушхоналар сони 49 тага етади, жумладан, Андижон вилоятида битта. Наманган, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона вилоятларида иккитадан, Хоразмда учта ташкил этилган. Мавжудлари ҳам 30-40 фоиз қувватда ишляпти, чунки аҳоли қушхонага боришдан манфаатдор эмас.

Чорвачиликнинг қисқа муддатда юқори самара берадиган йўналишлари, хусусан, паррандачилик, балиқчилик, қўнчиликни ривожлантиришда муаммолар талайгина.

Жумладан, бугунги кунда 38 минг гектар сунъий сув қавзалирининг атиги 460 гектаридан интенсив балиқчилик ташкил этилган. Бунинг асосий сабаби – интенсив усулда етиштирилган балиқнинг таннархи оддий усулда етиштирилганидан 2 баробар қиммат. Шунинг учун тадбиркорлар оддий усул билан қиёяланмоқда. Ҳолбуки, бу усулда балиқ етиштириш 1 гектарига 2-3 тоннадан ошмаса, интенсив шаклда 100 тоннагача маҳсулот олиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари лосос, осётр, хонбалиқ каби тансиқ балиқларни интенсив усулда етиштириш бўйича топшириқлар берди. Улар, айниқса, тоголди ҳудудларда замонавий технологиялар қўлланган ҳолда парваришланса, ҳатто экспорт ҳам қилиш мумкинлиги қайд этиб ўтилди.

Видеоселектор йиғилишида қўнчилик билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди. Ҳисоб-китобларга қўра, насли қўённи табиий усулда бир йилда 4 марта (6-8 та қўён боласи), саноат усулида эса 7 мартагача (8-10 та) қўлайти-

риш мумкин. Айни пайтда Ўзбекистонда 1 минг 250 та қўнчилик фермаси мавжуд бўлиб, саноат усулида 500 минг бош қўён боқилади, холос.

Юқоридаги муаммоларни комплекс ва тизимли ҳал этиш, чорвачилик тармоқларини изчил ривожлантириш учун Президентимиз қатор вазифалар қўйди.

Жумладан, Андижон вилоятида амалга оширилаётган тажриба асосида юртимизнинг аҳоли зич ҳудудларида мутлақо янги тизим жорий қилинади. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ажратиладиган кредитлар асосида сут ва гўштни қайта ишлайдиган корхона аҳолига кооперация асосида 5 бошгача насли қорамол етказиб беради, уни қандай парвариш қилишга ўргатади. Корхона насли қорамолнинг мунтазам ветеринария назоратини, белгиланган рацион асосида озуқаланишини ҳамда ундан олинаётган сутни бозор нархида сотиб олинишини таъминлайди.

Бу тизимнинг афзаллиги шундаки, аҳоли қорамолга эга бўлади, сутни бозор нархида сотади, бу билан қорамол кредитини тўлайди ҳамда туғилган бузоқлар ҳисобига хўжалик кенгайиб бораверади. Қўнчиликда ҳам ушбу тажрибани жорий этиш мумкин.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Халқ банки ҳамда “Микрокредитбанк”ка вилоят ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда Андижон, Наманган, Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоятларида мазкур тизимни йўлга қўйиш вазифаси юклатилди.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон тажрибаси асосида чорва кооперациялари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Яъни имкониятдан келиб чиқиб, 30 дан 100 бошгача қорамолдан иборат оилавий чорва фермалари ташкил қилинади. Кооперация ушбу тузилмаларни озуқа-ем, ветеринария хизматлари ва агротехника билан таъминлайди.

Мазкур тажрибанинг афзаллиги шундаки, оилавий фермалар қаердан ем ва техника олиш, маҳсулотни қимга ўтказиш ҳақида бош қотирмайди. Бу ишлар билан кооперация шугулланади.

Юқорида зикр этилган ташкилотлар ва ҳокимликларга Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё, Навоий, Бухоро вилоятларида камида иккитадан шундай чорва кооперацияларини ташкил этиш топшириғи берилди.

Шунингдек, Тошкент вилояти тажрибаси асосида ғаллачилик кластерлари ташкил этиш орқали 2-5 минг бош қорамолдан иборат йирик фермалар фаолиятини йўлга қўйиш лозимлиги қайд этилди.

Бунда кенгайиш истагини билдирган ва камида 500 бош қорамоли мавжуд фермерларга ҳар 1 минг бош учун 300-400 гектардан ер бериш орқали ғаллачилик кластерлари ташкил этилади. Ушбу тизим шуниси билан жозибадорки, йирик кластерлар бугдойни қайта ишлаш орқали омикта ем ишлаб чиқариш ҳамда ғалладан бўшган ерларда тақрорий экин сифатида озуқабоп экинларни етиштириб, ўзи силос ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади.

Қатор идора ва ташкилотларга бир ой ичида ҳар бир талабгорнинг таклифини кўриб чиқиб, амалга ошириш чораларини белгилаш вазифаси қўйилди.

Бундан ташқари, чорвачиликни

озуқа-ем билан таъминлашда пахта кластерлари салоҳиятидан самарали фойдаланиш зарур. Чунки бу тузилмаларда ер, катта озуқа базаси, ишчи кучи, техника ва молиявий имкониятлар етарли. Шунинг учун барча пахта кластерларига 5 минг бошдан кам бўлмаган қорамол комплекслари ташкил этиш топшириғи берилди.

Озуқа-ем ишлаб чиқариш ҳамини ошириш учун эса Навоий вилояти тажрибасини барча ҳудудларда кенг жорий этиш лозимлиги билдирилди. Хусусан, Хатирчи туманида тажриба тариқасида 530 гектар яйловни сув тежовчи технологиялар жорий қилиш орқали ерларни ўзлаштириш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида яйловда интенсив сугориш орқали 1 гектар ердан 80 тонна маккажўҳори пояси етиштирилган.

Қорақалпоғистон Республикасида, Навоий, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида минглаб гектар бундай яйловлар мавжуд. Шунинг учун мутасаддиларга мазкур ҳудудларда камида 10 минг гектар яйловда озуқабоп экинлар етиштириш бўйича манзилли дастурни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Чорвачиликда насл юқори маҳсулдорликнинг биринчи омилдир. Шу боис ҳар бир ҳудудда сунъий уруғлантириш пунктлари ташкил этиш, кейинги йил якунигача аҳоли ихтиёридаги сизирларнинг 70 фоизини сунъий уруғлантириб, 2025 йилга қадар 60 фоиз чорва молларининг наслини яхшилаш чора-тадбирлари белгиланди.

Шунингдек, фермерлар ва аҳолига чорвани яхши боқишни ўргатиш, Самарқанд ветеринария институти ва унинг Тошкент филиали негизида тажрибадор амалий ўқув марказини ташкил этиб, амалий ва масофавий семинарлар ўтказишни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда маҳсулот таннархини камайитириш ва соҳа рақобатбардошлигини таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Келаси йилдан чорвачилик, балиқчилик ва паррандачилик тармоқларини субсидия бериш орқали қўллаб-қувватлаш кўзда тутилмоқда. Дунё тажрибасидан келиб чиқиб, субсидия етиштирилган тайёр маҳсулотлар ҳажмига мувофиқ равишда бериллади.

Ветеринария, карантин, стандартлаштириш, санитария-эпидемиология хизматларининг изчил ҳамкорлигини таъминлаш, халқаро тажриба асосида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тўлиқ занжирини яратиш ҳамда уни назорат қилиш тартиб-таомилларини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Ишлаб чиқарувчиларга ички бозорда муносиб шaroит яратиш, чорва маҳсулотлари нархининг барқарорлигини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Андижон, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги 90 та деҳқон бозорига паррандачилик корхоналарининг биронта савдо шохобчаси йўқлиги қайд этилди. Балиқчилик корхоналарининг Сирдарё вилояти бозорларида 2 та, Сурхондарёда 3 та, Навоий вилоятида 4 та, Фарғонада 9 та савдо нуқтаси бор, холос.

Йиғилишда белгиланган вазифалар

ижросини сифатли таъминлаш учун ҳафтанинг ҳар жумаси “Чорвачилик куни” деб эълон қилинди. Топшириқлар ижросини мувофиқлаштириб бориш ва чорвадорларга қўмаклашишга масъул Республика кенгаши тузилди.

Видеоселектор йиғилишида озиқ-овқат хавфсизлигидан ташқари ипакчилик саноатини ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Пиллачилик жуда қисқа муддатда – 30-35 кунда экспортбоп маҳсулот олса бўладиган тармоқ. Жаҳонда 20 дан ортиқ пилла етиштирувчи мамлакат бўлса, Ўзбекистон Хитой ва Ҳиндистондан кейинги ўринда туради. Лекин юртимизнинг жаҳон бозоридаги улуши – атиги 2,5 фоиз. Охириги икки йилдаги саъй-ҳаракатлар натижасида, хусусан, йилга тўрт марта ипак курти боқиш ҳисобига пилла ҳосили 19 минг тоннага етказилди.

Йиғилишда бу тармоқдаги бозор конъюнктураси таҳлил қилинар экан, мамлакатимизда катта имкониятлар борлиги таъкидланди. Бундан самарали фойдаланилса, яқин йилларда йиллик экспорт ҳажмининг камида 500 миллион долларга етказиш мумкин.

Айни пайтда тармоқда қатор муаммолар ҳам бор. Жумладан, тўтзорларнинг 6 минг гектари яроқсиз аҳволда. Яна 37 минг гектарда ҳосилдорлик 30 фоизга ҳам етмайди. Юқори озуқавий навлар тўтзорлар ва яққа қатор тўтзорларнинг бор-йўғи 5-6 фоизини ташкил этади. Касаллик ва зараркундаларга қарши кураш ўз вақтида сифатли амалга оширилмаётгани боис озуқа базаси йўқотилмоқда.

Ипак курти уруғининг 80 фоизи импорт қилинган. Юртимизда супер-элитта ипак уруғи яратадиган ягона муассаса – Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг моддий-техник базаси эскирган. Шулардан келиб чиқиб, 2022 йил якунига қадар 20 минг гектар янги тўтзорлар барпо этиш ҳамда 10 минг гектар эскирган тўтзорларни янгилаш режалаштирилган.

Бунинг учун мавжуд тўтзорлар оилавий пудрат асосида аҳолига 1 гектардан 3 гектаргача бўлиб бериллади. Пиллачилик кластерлари томонидан тўтзорларни янгилаш учун тўқичати ва мавсумда ипак курти уруғи тарқатилади. Пилладан олинмаган даромад билан бир қаторда, тўтзорлар орасига экиладиган қўшимча экинлар ҳам тўлигича аҳоли ихтиёрида қолади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси, вилоят ҳокимлари ва тегишли идоралар раҳбарларига тўтзорлар ташкил этиш учун ер ажратилиш, эскирилгани янгилаш, сув тежовчи технологияларни қўллаш бўйича топшириқлар берилди. Келаси йили пилла етиштириш ҳажмининг 21 минг тоннага, 2025 йилгача эса 30 минг тоннага етказиш вазифаси қўйилди.

Супер-элитта ва элита уруғларини тўлиқ юртимизда тайёрлаш, бунинг учун уруғчилик станцияларини қўллаб-қувватлаш, тулпарни кимёвий ва биологик усулларда ҳимоялаш, жойларда янги иш ўринлари яратиш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Яна бир масала – юртимизда пилла ва ипакни экспортдан ўтказиш ва сифатини аниқлаш бўйича лабораториялар йўқ. Ҳозир бунинг учун маҳсулот хорижга жўнатиладигани боис корхоналар қўшимча харажат қиляпти. Шу муносабат билан Президент “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси қошида замонавий лаборатория ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди раҳбарлар ва ҳокимларнинг ҳисобот ва таклифлари эшитилди.

Ў.А

Абдуғаффор отанинг
“Яшил хазина”си

(Боши 1-саҳифада)

Бу оила соҳибаси, узоқ йиллар болалар боғчасида тарбиячи бўлиб, нафақага чиққан Раҳиммахон опанинг хизмати. У гул шайдоси. Бир парча ерни бўш қўймайди. Қишин-ёзин тувакларда турли-туман маҳаллий ва ноёб гуллар етиштиради. Бу нозик ишни фарзандларига, қўни-қўшиларига ўргатишдан эринмайди. Шу боис ҳам миждозлари кўп. Савдоси чақон гул ва манзарали кўчатлардан яхшигина даромад қилади.

Оила бошлиғи Абдуғаффор ота олий маълумотли иқтисодчи. Узоқ йиллар вилоятдаги ўқув даргоҳларида ўқитувчилик қилган. Нафақада бўлишига қарамадан изланишни, оилага, кўп-

чиликка нафи тегадиган юмушлар билан шугулланишни ёқтиради. Деҳқончилик, чорвачилик билан шугулланади. Боғдорчилик, айниқса, иссиқхонада лимон етиштиришга меҳр қўйган. 2009 йил ҳовлисидаги 3 сотих ерда иссиқхона барпо этиб, 30 туп лимон кўчати ўтказганди. Ҳозир ана шу ниҳолларнинг ҳар бири йилга камида 50-75 килограммдан, жами 2-2,5 тонна ҳосил бериб, 15-20 миллион сўм даромад келтирмоқда.

Бу гал лимончи ота бизни ўғлининг хонадонига бошлади. 3 сотихга яқин майдондаги иссиқхонада яратган мўъжизаси кўпчиликни лол қолдирди. 2016 йили экилган ва мандарин, апелсинлар пайвандақ қилинган лимон ниҳоллари бугун

шиғил ҳосил берибди. Йириклиги, сифатлилиги энг асосийси, бетакрор мазаси билан хориждан келтирилаётган цитрус мевалардан фарқ қилувчи Жийдақанининг “мўъжизаси” ўта харидорғир чиқиб қолди.

– Президентимизнинг 5 ноябрь куни ўтказган йиғилиши ҳақидаги кўрсатувни маҳалла аҳли билан кўрдик. Ҳақиқатдан ҳам мамлакатимиз раҳбари қуюнчилик билан таъкидланганларидек, ҳар қарич еримиз олтинга тенг. Фақат бизда ташаббус, саъй-ҳаракат, ҳафсала бўлса бас. Томорқалар боғ-роғларга, тўқинчилик манбаига айланади. Дастурхонимиз тўқин, турмушимиз бундан-да фаровон бўлади, албатта. Мен ўтган 5 йил ичида маҳалламиздаги йигирмага яқин хонадонларда лимонхоналар ташкил этишга, кўчатлар билан таъминлашга амалий ёрдам бердим ва бу борадаги фаолиятимни яна давом эттиришдан ўзимни бахтиёр сезаман, – дейди Абдуғаффор ота Қосимов.

Равшанбек МИРЗОЛИМОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Тошкент вилояти

Чирчиқ дарёси Бўстонлик томонлардан оқиб келиб, Сирдарёга қуйилади. Мазкур сув ўзани бўйлаб жойлашган туманларга ҳам дарёга нисбат бериб ном танланган. Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва ниҳоят Қуйи Чирчиқ. Учинчи туман ўз номига монанд вилоятнинг энг чекка, пастқамроқ ҳудудига жойлашган.

Эътиборли ишлар эътирофи



КЛАСТЕР

ИЛК МАВСУМДАЁҚ ЎЗ НАТИЖАЛАРИНИ НАМОЁН ҚИЛДИ

Мутахассислар ер ҳолати ҳақида гап кетганида, уни тушунарлироқ бўлиши учун "қозоннинг тагига" қийслашади. Бу айти ҳақиқат. Бинобарин, қўшни ва атрофдаги туманларнинг ер ости сизот сувлари сизиб келиб, шу ерда тўпланади. Ушбу омиллар боис, туман ерлари захкаш. Баъзи ҳудудлардан 1,5-2 метр қавласангиз, чуқур дарров сувга тўлади. Мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб, таҳлил қиладиган бўлсак, шолчилик, балиқчилик соҳалари бирмунча натижали. Аммо пахта ва галла бўйича муттасил қоқоқлик кузатилади. Таъкидлашларича, бундан роса 12 йил аввал, аниқроғи, ҳозирги Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажараётган Рустам Холматов туманни бошқарган кезлари пахтачиликда илк бор режа адиб этилган. Шундан буён туман қишлоқ хўжалигининг қарийб барча соҳаларида депсиниб келарди. Бу йил эса қутилмагандан туман пахтачилик бўйича қалоқликдан илғорликка юз бурди. Режани вилоятда биринчи бўлиб бажариб, шов-шувга сабаб бўлди. Гап шундаки, йил бошида вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан тумандаги мавжуд ҳолатга узил-кесил барҳам бериш, тармоққа инновацион голярини таъбиқ этиш бўйича бир қатор истиқболли чора-тадбирлар белгиланган эди. Унга кўра пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжалиқлари ихтиёридаги жами ерлар туманга инвестиция



қиритиш иштиёқига бўлган ватандошимиз, россиялик ишбилармон Муртазо Раҳматов таъсисчилигида очилган "ТСТ Агрокластер" МЧЖга олиб берилди. Тажрибали инвестор ҳаракатни аввало иш қуролларини солашдан бошлади. Қисқа фурсатда туманга 17 та юқори унумли ҳайдов, 1,5 миң дона мола, 58 та сялка, 200 та культиватор тракторлари билан 25 та экскаватор, 5 та бульдозер, 5 та ер текислаш мосламаси, 18 та OBX, 25 та ўғит сочувчи агрегат, 25 та пахта териш ҳамда 30 га яқин дон ўрим комбайнидан иборат катта қисмдаги техника мажмуаси етиб келди. Мавжуд 8 миң 450 гектар ер янги технология асосида экишга тайёрланиб, хорижий агрегатлар ёрдамида чигит қадалди. Фаолият ҳам бутунлай янги шакл ва усулда ташкил этилди. Пахта майдонлари 22 та

худуд ва 180 та участкага бўлинди, ҳар бирига алоҳида етакчи ҳамда ҳисобчилар тайинланди. Ишни ташкил қилишда барча эътибор энг аввало, янги 4,5 миң иш ўрнига тақлиф этилган меҳнатқашлар ва кадрларни рози қилиш, уларнинг манфаатдорлигини оширишга қаратилди. Масалан, худуд бошлиқларига 5 миллион сўмдан, участка етакчиларига эса 3 миллион сўмдан ҳар бирига мутахассислар юқори иш ҳақлари тайинланди. Ҳар бир пайкал бошида унумли меҳнат қилиш учун етарлича шарт-шароит яратилди. Натижада, қисқа фурсатда меҳнат интизоми ўз-ўзидан шу қадар меъёрий тус олдики, одамлар кўзига кластер жамоаси ҳар жиҳатдан жозибадор кўрина бошлади. Иш излаб келувчилар кўлайди. Жойлашганлар юқори маошли ўринла-

рини йўқотишдан хавотирланиб, вазифаларини сидқидилдан адо этадиган бўлиб қолишди. Бутун ёз давомида барча тадбирлар далаларда илғор голярга асосланган тартибда амалга оширилди. Бу одамлар ҳаётига янгилик олиб кирди. Руҳиятларида зврилиш ясади. Туман пахта тозалаш корхонаси ҳам кластерга ўтказиб берилди. Энди "ТСТ Агрокластер" МЧЖ бутун туман қишлоқ хўжалиги тизимини тўлиқ ўз ичига олиб фаолият юритади. Улар сони 5 та. Натижалар эса бошқа соҳаларда ҳам ҳозирнинг ўзидаёқ самарали. Россиядан 5 хил уруғлик галла келтириб экилмоқда. Қўрғондаги балиқ етиштириш ҳавзалари ва қайта ишлаш заводида иш қизғин. Юз нафардан зиёд ишчи лўқмаи ҳалол маҳсулотларини тозалаб, музлатишга қўймоқда. Пойтахтдаги ўндан зиёд "тирик балиқ" шохбачаларига узлуқсиз маҳсулот жўнатишмоқда. Бу ерда заводга янги хорижий технология олиб келиш, ҳавзалар бўйича ташкил этилаётган қулай меҳмоннавозлик шароитларига сайёҳларни жалб этиш бўйича изчил чора-тадбирлар қўрилмоқда. Келажақда пахта ва галлани қайта ишлаш, калава йигирув ва тикиш мажмуаларини очиб, замонавий чорвачилик тармоғини барпо этиш каби хозирданок ижросига киришилаётган истиқболли лойиҳалар турибди. Бу яна минглаб янги иш ўринлари деганидир. Энг муҳими ва эътирофи жиҳати, кластер барча соҳаларни бирдай камраб олаётгани, бу эртага туманнинг иқтисодий-иқтисодий ривожланишида ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

30 миң тоннага етказишни ният қилиб турибми...
Мана, сизга янги усул ва илғор голярга асосланган тизимга ўтишининг ёрқин самараси. Энди уни синашга, ҳар хил баҳс-мунозараларга асос қолмади. Шу боис, туман галлачилигига ажратилган 14 миң 900 гектар, балиқчилик ҳавзаларидан иборат 3 миң гектар, хуллас, шолчилик ва бошқа аграр соҳалардан иборат барча тармоқ кластерга ўтказиб берилди. Энди "ТСТ Агрокластер" МЧЖ бутун туман қишлоқ хўжалиги тизимини тўлиқ ўз ичига олиб фаолият юритади. Улар сони 5 та. Натижалар эса бошқа соҳаларда ҳам ҳозирнинг ўзидаёқ самарали. Россиядан 5 хил уруғлик галла келтириб экилмоқда. Қўрғондаги балиқ етиштириш ҳавзалари ва қайта ишлаш заводида иш қизғин. Юз нафардан зиёд ишчи лўқмаи ҳалол маҳсулотларини тозалаб, музлатишга қўймоқда. Пойтахтдаги ўндан зиёд "тирик балиқ" шохбачаларига узлуқсиз маҳсулот жўнатишмоқда. Бу ерда заводга янги хорижий технология олиб келиш, ҳавзалар бўйича ташкил этилаётган қулай меҳмоннавозлик шароитларига сайёҳларни жалб этиш бўйича изчил чора-тадбирлар қўрилмоқда. Келажақда пахта ва галлани қайта ишлаш, калава йигирув ва тикиш мажмуаларини очиб, замонавий чорвачилик тармоғини барпо этиш каби хозирданок ижросига киришилаётган истиқболли лойиҳалар турибди. Бу яна минглаб янги иш ўринлари деганидир. Энг муҳими ва эътирофи жиҳати, кластер барча соҳаларни бирдай камраб олаётгани, бу эртага туманнинг иқтисодий-иқтисодий ривожланишида ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Иброҳим ТОШЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Фарғона вилояти

Шу кунларда "Ўзбекистонда сув ва атроф-муҳит масалалари бўйича хабардорликни ошириш ва ҳамкорликни ривожлантириш" лойиҳаси бўйича мамлакатнинг беш вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида амалий семинарлар ўтказилмоқда. Фарғонада бўлиб ўтган бундай тадбирларнинг ҳар бири жонли ва мазмунли ўтгани билан ажралиб туради.

Томчилардан тонналар

Тадбирда фермерлар ҳам иштирок этди. Улар ўз хўжалиқларида янгича усулга ўтишининг афзаллиқлари, томчилатиб, ёмғирлатиб, плёнкалар тўшаб суғориш натижасида ҳосилдорликнинг ошиши ва иқтисодий самарага эришишининг йўлларига тўхталди. Иштирокчиларга "Томчилатиб суғориш" ва "Фермер фикри" номли видеороликлар намойиш этилди. "Кўча эгилувчан қувурдан фойдаланиш ҳамда "Томчилатиб суғориш" бўйича тавсияларнинг электрон варианты тақдим этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда сув тежаш технологияларини жорий этиш умумий миллий масалаларнинг асосийларидан бири бўлиб қолди. Уларнинг энг самаралиси томчилатиб суғориш ҳисобланади. Бу усулда сув, маҳаллий ва маданий ўғитлар суғориладиган ернинг ҳаммасига берилмасдан фақатгина усимлик-



нинг таги, илдизига узатилади. Аммо томчилатиб суғориш усуллари анчагина қимматга тушади. Шунинг учун Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти олимлари томонидан конструкцияси содда, арзон, мочтаж ва демонтаж ҳамда эксплуатация қилиш жуда осон, лойқали сувларни бемалол томчилатилардан ўтказадиган, барча қисмлари маҳаллий материаллардан тайёрланадиган паст босимли томчилатиб суғориш тизимини ишлаб чиқди. Ушбу тизимни ишлатиш учун насос қурилмаси шарт эмас. Сувни даладаги новлардан, юқоридан ўтган каналлардан ёки махсус қурилган идишлардан олиш мумкин.
Фарғона вилоятда жорий йилда 350 гектардан орტიқ экинзорда томчилатиб суғориш усули жорий қилинди. Бу ерларда деҳқончилик қилаётган, боғлардан мевалар етиштираётган фермерлар томчилатиб суғориш усулини қўлаш натижасида ҳосилдорликни 1,5-2 бараваргача оширди. Бундан ташқари, сарф-харажатда ҳам катта самара оқ берди. Вилоят бўйича 2020 йилда томчилатиб суғоришга ўтиш ҳажмини 14 миң гектардан ошириш мўлжалланмоқда.
"Сирдарё-Сўх" ИТХБ бош гидрометри Жаҳонгир Аҳрамулов, "Сувчи" жамоат бирлашмаси директорлар кенгаши раиси Тоҳир Маждов, "Сувчи" жамоат бирлашмаси мутахассиси Алимардон Хўжақулов, лойиҳа консултанти Шоҳабос Раҳматуллаев ва бошқаларнинг чиқишлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.
Лойиҳа ижросиларига вилоят фермерлари, деҳқон хўжалиқлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, ёшлар иттифоқи вакиллари, ОАВ вакиллари мавзулар доирасида саволлар бердилар ва қониқари жавоблар олдилар. Иштирокчиларнинг мавзу доирасидаги фикрлари ҳам тингланди.
Мулоқотлар жараёнида томчилатиб суғориш технологияси, паст босимли томчилатиб суғориш тизими, сув ресурслари, экология ҳамда чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш бўйича берилган маълумотлардан фойдаланган ҳолда аҳоли онига янада кўпроқ синдиришга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётига коррупция ҳолатлари сезиларли даражада халақит қилади. Бундай ҳолатларнинг олдини олишда ўша жамиятдаги фуқароларнинг, давлат хизматчиларининг бу борадаги ҳуқуқий билимларини шакллантириш самарали восита ҳисобланади.

Барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир



Бухоро вилояти Божхона бошқармасида ҳам ушбу иллатга қарши курашиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Маълумки, божхона органлари зиммасига юклатилган асосий вазифа республикамизнинг иқтисодий хавфсизлиги ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Шундай экан, коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашиш божхона ходимлари зиммасига янада катта масъулият юклайди.
Коррупция ва унинг салбий оқибатларига қарши курашда божхона ходимларининг билими ва ҳуқуқий кўникмаларини ошириб бориш соҳада олиб борилаётган ишларнинг шаф-фофлигини таъминлаб, хизмат кўрсатиш сифатининг янада яхшиланишига хизмат қилади.
Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоизки, бугун юртимизда ушбу иллатга қарши бир бутун жамият бўлиб кураш олиб боришмоқда. Ушбу жиноятга қўл урган фуқароларнинг қилмишлари оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиб, қилмишларига яраша қонунчилигимиз доирасида жазо қўлланилмоқда. Бу жараёнлар табиийки, миллатдошларимизни яна ҳам сергак бўлишга, коррупцияга қарши фаол кураш олиб боришга ундайди.

Жавоҳир ИСМОИЛОВ,
Бухоро вилояти Божхона бошқармаси божхона хизмати лейтенанти.

Самарқанд вилояти

Элободлик фермер элига қайишди

Бугунги кунда юртимизда мактабгача таълим муассасаларини кўпайтириш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда жойларда давлат-хусусий шерикчилик асосида, шунингдек, оилавий боғчалар ҳам ташкил этиляпти. Булуғурлик фермер Шухрат Ҳазратов ҳам ўзи истиқомат қиладиган Элобод маҳалласида 200 ўринга мўлжалланган боғчани қуриб, фойдаланишга топширди. Туман марказидан олисда жойлашган ушбу маҳалла аҳли бу янгиликни катта хурсандчилик билан қабул қилди. Замонавий қилиб бунёд этилган муассасанинг шинам хоналарида тарбияланаётган болажонларнинг кувончи чексиз.



Ўз мухбиримиз

Табиат учун грантлар

Глобал экологик жамғарма томонидан мамлакатимизда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу жамғарма молиявий мустақил ташкилот бўлиб, дунёдаги 181 та давлат ҳукуматларини глобал экологик муаммоларни ҳал қилиш мақсадида бирлаштиради. Асосан нодавлат ташкилотлар ва хусусий сектор билан иш юротади.

Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгашида бўлиб ўтган семинарда ҳам жамғарма томонидан фермер хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бош мутахассиси Вафо Латипов. — Шу ўринда грант олишнинг шартлари хусусида тўхталиб ўтишимиз керак. Жамғарма

томонидан ҳар қандай лойиҳа учун грант берилавермайди. Агар лойиҳа табиатни асраш, биохилма-хилликни сақлашга қаратилган бўлса, жамғарма лойиҳа умумий қийматининг 50 фоизига ўз улушини қўшади. Сўнгги йилларда юртимиздаги кўплаб фермер хўжалиқлари ушбу дастурда фаол иштирок этиб, ҳам ўзига, ҳам табиатга фойда келтиряпти.

— Мен ҳам Глобал экологик жамғарманинг кичик грантлар дастурига қатнашман, — дейди Оқўрғон туманидаги "Қамолиддин Шаҳноза" фермер

томонидан ҳар қандай лойиҳа учун грант берилавермайди. Агар лойиҳа табиатни асраш, биохилма-хилликни сақлашга қаратилган бўлса, жамғарма лойиҳа умумий қийматининг 50 фоизига ўз улушини қўшади. Сўнгги йилларда юртимиздаги кўплаб фермер хўжалиқлари ушбу дастурда фаол иштирок этиб, ҳам ўзига, ҳам табиатга фойда келтиряпти.

хўжалиги раҳбари Шаҳноза Нурбекова. — Хўжалигимиз Ангрэн дарёсининг Сирдарёга қуйилиш қисмида жойлашган. Шу боис, бу ердаги ҳудудда табиий емирилишлар натижасида катта жарликлар пайдо бўлган. Бу жараённи тўхта-тиш учун ушбу дастур доирасида грант маблағи эвазига боғ яратмоқчимиз. Ана шунда емирилиш тўхтаб, дарё бўйидаги чангалзорлар ва ҳайвонот олами асраб қолинади.
Семинарда иштирок этган фермер хўжалиқлари раҳбарлари кичик грантлар дастури борасида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.
Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Фидойи

Таниқли адиб ё олим, санъаткор ё шифокор, мураббий ё миришкор қутлуғ мукофот билан тақдирланса ҳамма бирдек хурсанд бўлади. Президентимизнинг "Нуроний" жамоаси Самарқанд вилояти бўлими раиси Ҳасан Нормуродовга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилиб, олий нишон – "Олтин юлдуз" медали топширилган, – деган фармонини эшитган, ўқиган заҳоти "ойни муносиб одамга берилибди, кўпчилиكنинг кўнглидаги иш бўлибди", – деб суюнганмиз, табриклаганмиз.



Олтмиш йилдан зиёд муддат элим деб, юртим деб, куч-ғайрат билан, чарқоқ нималигини билмай меҳнат қилиш, ўзидан кўра ўзгаларни кўпроқ ўйлаш, гамини ейиш – чинакам қаҳрамонлик. Ҳасан Нормуродовни йигирма-йигирма беш ёшигача туғилиб ўсган Каттакўрғон шаҳри, тумани кўпроқ билган ўлғас, вилоят микросидаги масъул ишларга йўтач, бутун Самарқанд аҳли билди, хурмат эътибор қозонди. Вилоятда Ҳасан аканинг қадами тегмаган туман, қишлоқ, маҳалла, мулоқот қилмаган катта-кичик раҳбар, иш юзасидан учрашмаган нуроний бўлмаса керак? Эндилдики бу инсонни бутун Рес-

публика билади, эъзозлайди.

Мағрур жарангайди Ўзбекистон Қаҳрамони, деган сўз! Муносибларнинг энг муносиби муяссар бўладиган ном. Ишчанлик, камтаринлик, хушмуомалалик, одамлар билан тез эл бўлиб, кўнглини топиб кетиш Ҳасан Нормуродовга хос турфа фазилатлардан баъзилари. Бунинг боиси, том маънодаги зиёлилиги, зукколиги, кўп ўқиганлиги, теран фикрлашида. Кейинги йилларда бир неча бор учрашиб, мулоқотда бўлиб бунга ишонч ҳосил қилдим. Ашаддий китобсевар, китобийғар, китобтарғиб қилар Ҳасан ака бўлади. Уйдаги китобларининг сони олти

мингдан ортук. Нафақат вилоятдаги, Республикаимизнинг кўп ёзувчи, журналист, олимларнинг китоблари, мақолаларини ўқиб боради. Самарқандда сафарда бўлган ижодкор, санъаткорлар бу инсонни алқаб келади. Ҳасан Нормуродовнинг нотиклик маҳорати ҳавас қилгулик, ибрат олгулик. Жарангдор, чўғдор, мазмундор нутқини тинглаб, катта таассурот оласиз. Етук ёшнинг муборак бўлсин, қаҳрамон нуронийимиз.

Сайди УМИРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси, публицист.

Сурхондарё вилояти

Чилонжийда

У ҳақда нималарни биламиз?

Чилонжийданинг меваси кўринишидан жийдани эслатса-да, ҳажми ва хусусиятига кўра ундан тубдан фарқ қилади. Шифобахшлиги туфайли халқ табобатида кенг қўлланилади. Ушбу дарахт жой танламайди. Қир-адирларда, унумдорлиги паст ерларда ҳам ўсверади. Яна бир эътиборли жиҳати, қурғоқчиликка ниҳоятда чидамли.

Мамлакатимизда унинг икки тури ўсади. Баландлиги 8-12 метргача етиб, 100 йилдан ортук ҳосил беради. Дастлабки пайтларда нисбатан камроқ мева тугса, 18-20 йилларда ҳар бир туп дарахтдан 40-45 килограммгача доривор мева териб олиш мумкин. Бошқача айтганда, ҳосилдорлик гектарига ўртача 15 тоннани ташкил этади. Демак, очик майдондан олинган даромад бўйича чилонжийда тенг келадиган мевали дарахт бўлмаса керак.

Таъкидлаш лозимки, баҳорги об-ҳаво инжиқликларидан чилонжийда ҳосилнинг ҳимояси тўлиқ "кафолатланган". Негаки, юртимизда мевали дарахтларнинг аксарияти март-апрель ойлари-

да гулласса, бу жараён чилонжийда май-июль ойларига тўғри келади. Унинг сершира гуллари асаларилар озукаси айни камайган пайтда шифобахш бол манбаига айланади. Таркибиди қанд моддаси 19-20 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич юртимизда етиштирилган шакарқамиш ва қандлавланикидан анча юқори. Мевасини қуритиб олиш ҳамда шарбат, С витаминига бой қиём тайёрлаш орқали мўмай даромад кўриш мумкин. Жилланувчи мустаҳкам ёғочи эса мевелозликда қимматбаҳо хомашедир.

Дарахтни парвардилаш унчалик қийин эмас. Озгина эътиборли бўлиб, вақти-вақти билан сугорилса, йилда бир

марта озиклантирилса, кифоя. Меваси сентябрь ойида пишиб, етилади. Унинг мевасидан ташқари, илдици, барги ва пўстлоғи ҳам ўта фойдали. Уларнинг таркибиди 4-9,5 фоизгача ошловчи модда бор.

Чилонжийдани айрим ҳудудларда унаби ҳам деб аташади. Ҳозирги пайтда республикамиздаги бир қанча фармацевтика корхоналарида унаби асосида дори воситалари, хусусан, унинг шакарсиз экстрактини тайёрлаш йўлга қўйилган. У асосан, уйку ва ақлий фаолиятни яхшилаш, асаб тизими касалликларининг олдини олишда, қон босими ошганда, тремблар ҳосил бўлиши ҳавфи кучайганда, веналар варикоидида, юрак уриши мароми бузилганда, шунингдек, қаришнинг олдини олишда қўлланилади.

Шундай экан, унабининг кўпайтирилиши аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга қўшимча даромад манбани яратиш, пировардида иқтисодийтимиз ривожига хизмат қилади.

Эсон МАРДОН

Ангор тумани.

Реклама ва эълонлар

ТОГЛАР МАКСУС ВА ОДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-П (Б) Бульдозер
- Бульдозер-погрузчик БЛ-750
- Занжирил экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- "Беларусь" (МТЗ)-80x, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- "Беларусь" тракторлари эҳтиёт-қисмлари
- Турли моделдаги шиналар

Махсулотлар сертификатланган.
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz



PROMZONA AGRO

BELARUS

ТРАКТОРЛАРИ СOTUVDA

MAVJUD

(71) 280-00-71
(71) 280-00-72

Махсулотлар сертификатланган

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
таркибидидаги ҳамда бошқа
дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Жамшид ХУҲАЕВ, Шавкат ХАМРОЕВ, Бақридин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадjon ТОШБОЛТАЕВ, Абдурашул АБДУЛЛАЕВ, Ақтам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Иқтисодий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04,
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ»
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ



(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Махсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Хизматлар лицензияланган.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Газетамизга 2020 йил учун обуна бошланди.

Сиз газетамизга қайси обуна уюштирувчи ташкилот орқали обуна ташкил этиш маъқул ва қулай бўлади, деб ўйлайсиз? Сиз бугун қайси обуна уюштирувчи орқали газета оляписиз ва у сизга манзурми? Шу ҳақда бизга маълумот беринг! Бу обуна уюштириш, уни етказишни тўғри ташкил этишда бизга кўмак бўлади.

Тел.: (71) 236-26-50, (71) 233-40-87.
Телеграмми: (90) 920-43-70. Факс: (17) 233-09-93.
Web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:
Андижон – (+99893) 630-73-03
Бухоро – (+99891) 401-29-59
Жиззах – (+99893) 940-10-78
Навоий – (+99891) 332-50-99
Наманган – (+99893) 948-53-86
Фарғона – (+99890) 407-76-03
Самарқанд – (+99893) 349-54-39
Сирдарё – (+99894) 168-23-60
Сурхондарё – (+99890) 520-20-65
Тошкент – (+99890) 978-38-58
Хоразм – (+99897) 750-47-61
Қашқадарё – (+99897) 290-28-88

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

2009 йил 13 февралда

№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-1125, ҳажми 2 босма табоқ

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета тахририятининг ўзида компьютерда терилди ва

дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

3 639 нусхада чоп этилди.

НАШР ИНДЕКСИ – 144

Босишга топширилган вақти: 21.00

Босишга топширилди: 23.15

2019 йилда Тошкент ш. Юнобод, "Дарё" ёқинидаги ўлка йўли ташталак маздаги томондан Юсуфов Қосимжон Олимжон ўлга берилган UM 0272324 рақамли аттестат йўқолиганига муносабати билан Бевор қилганда.

Тошкент Девлат Қўрама институтини томонидан 2001 й.да Эрондор Бевор Беворазовича 049059 рақамли, 152 кайд рақам билан берилган Беворлар диплом ва унинг иловаси йўқолиганига муносабати билан Бевор қилганда.

Олмалар т. "YAGONA DARCHA MARKAZI" томонидан рўйхатда олинган ЯТТ "G'ANIYEV MUHAMMADALI ABDURASHID O'G'LI"га тегишли бир дона думалок мур йўқолиганига муносабати билан Бевор қилганда.

Шайхондор т. "YAGONA DARCHA MARKAZI" томонидан рўйхатда олинган ЯТТ "FAYZULLAYEVA DILFUZA AKBAROVNA" тадбиркорлик фаолиятини тўғатилганига маълум қилганда.

Олмалар т. "YAGONA DARCHA MARKAZI" томонидан рўйхатда олинган "FOOD FOR CHILDREN" ХХга тегишли бир дона думалок мур йўқолиганига муносабати билан Бевор қилганда.

Тошкент вел. Тошкент т. "YAGONA DARCHA MARKAZI" томонидан рўйхатда олинган ЯТТ "XAYRIDDINOV ELMUROD SAFUDDIN O'G'LI"га тегишли бир дона думалок мур йўқолиганига муносабати билан Бевор қилганда.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини жамоаси ҳамда Касаба уюшмаси қўмитаси институтнинг катта илмий ходими, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими", "Меҳнат шухрати" ордени соҳибаси, техника фанлари номзоди

Людмила ШУРОВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентлик ходими Насриддин Арипбаевага опаси Заҳида АРИПБАЕВанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:

А.ХАҚБЕРДИЕВ